

ФРАНЦУЗ ТИЛИДА ПЕРИФРАЗА - “НУТҚИЙ ХУШЁРЛИК” НИ ИФОДАЛОВЧИ УСУЛ СИФАТИДА

Маматқулов Абдулхалип Латипович
Андижон давлат чет тиллари институти доценти
Филология фанлари номзоди

Перифраза (грекчада periphrasis) – “нутқий хушёрлик” ходисасини яратишда кенг қўлланиладиган услубий йўл, тилшунослар таърифлаганидек, “оддий бир сўзни (бирор нарсанинг номини бошқа сўз билан ифодалаш) тасвирий ифодаловчи троп” [Ахманова, 1966,312].

Академик А.Ҳожиёвнинг фикри ҳам юқоридаги таърифни эслатади, яъни перифраза (*грекча*. Paraphrasis – тавсифий ифода, тасвир) – нарса, ходисани ўз номи билан эмас, тасвирий йўл билан маълум контекст, ситуациядаги характерли белги-хусусияти орқали ифодаланадиган стилистик прием. Мас., *дала маликаси- маккажўхори*” [Ҳожиёв, 1985,67].

“Нутқий хушёр” перифразалар сўзнинг узуал маъносини ўзгача ифодалайди, шу билан нохуш ахборотни “пардалаб” кўрсатади. Бундан перифразаларнинг эвфемистик қуввати воқеликдаги нарса ва ходисаларнинг бошқа, тавсифий ифодаси билан боғлиқ. “Нутқий хушёр” перифразаларнинг ҳар бир таркибий компоненти тушунча маъносининг битта лексик унсурини билдиради, шу туфайли нохуш ахборот силликланиб, янги сўз бирикмаси маънавий таркибига “сингиб кетади”. Масалан, пакана одам (кўқил) маъносини бериш учун “*païn*” ўрнига “нутқий хушёр” *une personne de petite taille* (айн.: паст бўйли одам), бошпанаси йўқ одам маъносини билдирувчи “*clochard*” сўзи ўрнига *un sans domicile fixe* (яшаш жойининг тайини йўқ) сўз бирикмасини ишлатиш мумкин. Бундан ташқари, Филипп Ванделнинг сўзига қараганда, перифразалардаги мужмал, ноаниқ маъно тингловчини чалғитибгина қолмай, довдиратиб ҳам қўяди, нутқ эгасининг “билимдонлиги”ни таъкидлаб, унинг мавқеини кўтаради ҳам [Vandel, 1993].

Масалан, шаҳар атрофидаги нотинч ҳудудларни кўрсатиш учун “*des banlieues rougies*” ўрнига *des quartiers sensibles* (айн.: “таъсирчан”, “сезгир” ҳудудлар) парафрастик иборани қўллаш мумкин. Нутқдаги синтактик ёки грамматик хатони кўрсатиш учун эса *nouvelles tendances de la langue* (тил тараққиётидаги янгича майл) мавҳум сўз бирикмасидан фойдаланилади.

Мазкур тадқиқотда биз ўрганаётган “*le politiquement correct*” ходисасига хос бўлган перифразаларнинг бир неча тури бор:

- 1.Синонимик перифразалар (“*nègre*” маъносидаги *une personne d'origine africaine*);
2. Жилоловчи (“*païs arrière*” маъносидаги *un pays en voie de développement*);
3. Чалғитувчи (“*licenciement*” маъносидаги *un plan social d'accompagnement*).

Буларнинг ҳар бирини батафсил кўриб чиқамиз.

1. Бир неча нейтрал компонентга эга перифразалар. Уларни шартли равишда синонимик перифразалар деб аташ мумкин. Бунда бир сўз бошқаси билан алмаштирилади. Бу жараёнда денотат (номланувчи воқеа, нарса) маъносида озгина бўлса ҳам янглишлик юз берса, бунда ҳар икки сўз ҳам синоним бўлиб қолади. Буни “бошқача номлаш ходисаси” деб аташ мумкин. Бунда ҳам янги белги бошқа сўз ёки иборанинг маъносини тасвирлаб берадиган ёйик сўз бирикмасидан иборат бўлиб қолади. Масалан, «сома» (оғир беҳушлик ҳолати) ўрнига *une suspension temporaire de conscience* (вақтинча ҳушини йўқотмоқ); “*fou*” (ақлдан озган) ўрнига *un déstabilisé mental* (ақлан ноқис) қўлланилади.

Бундай синонимик қайта номлашдан мақсад ўта кескин маънони юмшоқроқ ифодалаш, нохуш вазият ва нозик, қалтис мавзуларни четлаб ўтиш, айтиладиган тушунчанинг аниқ номини беришга интилишдан иборат. Масалан, семиз одам

тушунчасини ифодалаш учун «un gros» ўрнига *une personne affectée d'une surcharge pondérale* (ортикча оғирлигидан қийналаётган киши) дейилади.

Синонимик перифразалардан фойдаланиш натижасида ҳақиқий маънонинг силлик берилишини таъминловчи бир неча йўллари белгилаймиз.

2. Перифразанинг навбатдаги турини шартли равишда *жилоланган перифраза* деб аташ мумкин. Унинг ҳар бир ёки ҳамма қисми ижобий бўёқдор бўлади.

Юқорида кўрган синонимик перифразаларга қараганда жилоланган перифраза ахборотга аслида бўлмаган янги ижобий семантик компонент киритади. Маънонинг худди шу ижобий компонентларининг урғуланиши учун ҳам бундай перифразали ибораларда мелиоратив самарага эришилади.

Жилоланган перифразалар тоифасига куйидаги “нутқий хушёрлик”ка хос ёйик ифодаларни келтиришимиз мумкин:

Масалан, котиб(а) тушунчасини билдириш учун аъъанавий «*une secrétaire*» сўзи ўрнига ҳамма вақт *une assistante personnelle* (шахсий ёрдамчи) қўлланилади. Дарҳақиқат, “*une secrétaire*” сўзи ортида оғир, зерикарли иш билан банд, қоғозлар ичига кўмилган, бошликка кофе тайёрлаб бераётган одам туради. Биринчи сўз, денотат, салбий бўёқдор экан, у алмашиниши керак, *assistante* ва *personnelle* – тил тизимидаги юқори мақомга эга – “бошликка кўмаклашаётган, оғирини енгил қилаётган шахсий ёрдамчи, ассистент, ҳамкасб” маъноларини ифодалайдиган перифраза сўзлардир.

Обрў-эътиборсиз “*une serveuse*” (официантка) сўзи *une hôtesse de table* (айн.: стол эгаси) “нутқий хушёр” синонимик перифраза билан алмаштирилади. Чамамизда у “*une hôtesse de l'air*” (стюардесса) иборасига ўхшаб ясалган. *Une hôtesse de table* ибораси “*serveuse*” сўзига қараганда эътиборли, чунки “*hôtesse*” (эгаси) сўзининг маъносида ижобий бўёқдор компонентлар мавжуд.

“Фермадаги ишчи” маъносида қўлланидиган “*un commis de ferme*” сўз бирикмаси унинг “нутқий хушёр” перифразаси *un technicien d'élevage* (чорвачилик бўйича мутахассис) билан алмаштирилади. Шунингдек, «*un balayeur*» (хизматкор) ва “*une femme de ménage*” (аёл уй хизматчиси), *un technicien de surface* ва *une technicienne de surface*га айланади. Ферма ишчиси, ҳовлининг тозалигини назорат қилиб турадиган хизматчи ва ҳамма нарсага бош-қош хизматкор аёл касби ижтимоий обрўсиз, кам ҳақ тўланадиган, кўпинча саводсиз одамнинг касби. Шундай ном билан аталишнинг ўзи ҳам уятли, ҳақоратдай туюлади, бировларни шундай аташ ҳам “нутқий нохушёрлик”ка киради. “*Un technicien*” сўзи эса у ёки бу соҳа бўйича мутахассис, яъни саводли, дипломга эга кишини англатади.

“Меҳнат лексикаси” деб аталмиш тоифага оид бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан:

Мактаб ўқитувчиси “*des instituteurs*” – *des professeurs d'école* (айн.: мактаб профессори);

Шаҳар боғбонлари - *Des jardiniers municipaux* – “нутқий хушёр” *des agents verts/des animateurs d'espaces verts* (“кўкаламзорлаштириш мутахассиси»);

Чет эллик *Un étranger – citoyen extérieur* (“бошқа” жойлик);

Полиция ходими *Un policier – gardien de la paix* (тартиб сақловчи)

Маҳаллий (муниципиал) полиция *Des policiers municipaux – des agents d'ambiance* ва б.

3. Перифразанинг учинчи тури – *чалгитувчи перифраза*. Бунда бир тушунча иккинчиси билан алмаштирилади.

“Нутқий хушёрлик”ка оид алмашинувнинг бу турида асосий сўз мазмунан бошқа сўз билан алмаштирилади, яъни у маълум даражада маънодор, салмоғи ошади. Бу перифраза турининг мелиоратив қудрати тасвирланаётган ҳодисанинг яхши фазилатларини таъкидлаш билан боғлиқ. Масалан, “*discipline*” (интизом) ўрнига – *une harmonie de*

régulation (тартиб), “*bourreau*” (жаллод) ўрнига – *un exécuter des hautes oeuvres* (юксак ғоялар ижросиси), “*une subvention*” (дотация, субсидия) ўрнига – *une mesure d'encouragement* (рағбат) ва ҳоказо.

Асосан “чалғитувчи” алмаштириш воқеликдаги нохуш ходисалари яшириш мақсадида қўлланилади. Масалан, *un plan social d'accompagnement* (айн.: “ижтимоий режа”) оммавий ахборот воситаларида ишдан бўшатиш маъносидаги анъганавий *licenciement* ўрнида келади. Янги “нутқий хушёр” ифода аввалгисидан тубдан фарқланади, сабаби – у бутунлай бошқа тушунчани билдиради, гўёки махсус ходимга ёрдам беришни кўзловчи дастур, яъни гап ходимни ишдан бўшатиш ҳақида боради:

Dès qu'un plan social est annoncé, les plus âgés des salariés, mais aussi leurs collègues plus jeunes réclament ce que l'on nomme hypocritement des mesures d'âge pour atténuer l'effet des licenciements» (Le Monde, 10 fevr. 1993).

Ҳозиргина “ижтимоий режа” ҳақида қайд этилганидек, кекса ходимлар ва уларнинг ёш ҳамкасблари ишдан бўшатиш жараёнини “пенсия ёшига етганлиги сабабли” демай, “силлиқроқ” таърифлашни талаб қилмоқдалар.

Адабиётлар:

1. Ахманова О.С., Натан Л.Н., Полторацкий А.И., Фающенко В.И. О принципах и методах лингвостилистического исследования. - М.: Изд-во МГУ, 1966. - 135 с.
2. Vandel Ph. Le Dico français / français. – Paris: Didier, 1993. – 412 p.
3. Mumtoza, A., & Munosibxon, I. (2023). COMMUNICATION IS THE BASIS OF THE COMMUNICATIVE METHOD. *Ethiopian International Journal of Multidisciplinary Research*, 10(11), 194-196.
4. Ишанжанова, М., & Қўчқарова, О. МАКОН ИФОДАЛОВЧИ ДЕЙКТИК БИРЛИКЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ТАДҚИҚИ. *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ Заҳрирдин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети*, 270.
5. ИШАНЖАНОВА, М. ШАХС ДЕЙКСИСИНИНГ НУТҚИЙ МУЛОҚОТДА ИФОДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ. *ILMIY XABARNOMA. НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК Учредители: Андижанский государственный университет им. ЗМ Бабура*, (1), 92-95.